

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ОРИПОВА МУНОЖАТ ЖАЛОЛДИНОВНА

***MALVA SYLVESTRIS* УРУҒИДАН АНТИМИКРОБ ПЕПТИДЛАР,
ARTEMIA ЦИСТАСИДАН ХИТОЗАН АЖРАТИШ, БИОЛОГИК
ФАОЛЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАР АСОСИДА КОСМЕТИК
КОМПОЗИЦИЯ ЯРАТИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии по
химическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on chemical sciences**

Орипова Муножат Жалолдиновна

Malva Sylvestris уруғидан антимикроб пептидлар, *Artemia* цистасидан хитозан ажратиш, биологик фаолликларини ўрганиш ва улар асосида косметик композиция яратиш..... 3

Орипова Муножат Жалолдиновна

Выделение, биологическая активность антимикробных пептидов из семян *Malva Sylvestris*, хитозана из цист *Artemia* и создание косметической композиции на их основе..... 21

Oripova Munojat Jaloldinovna

Isolation, biological activity of antimicrobial peptides from *Malva Sylvestris* seeds, chitosan from *Artemia* cyst and creation of cosmetic composition based on them..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ОРИПОВА МУНОЖАТ ЖАЛОЛДИНОВНА

***MALVA SYLVESTRIS* УРУҒИДАН АНТИМИКРОБ ПЕПТИДЛАР,
ARTEMIA ЦИСТАСИДАН ХИТОЗАН АЖРАТИШ, БИОЛОГИК
ФАОЛЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАР АСОСИДА КОСМЕТИК
КОМПОЗИЦИЯ ЯРАТИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/К245 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ощепкова Юлия Игоревна
кимё фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Рамазанов Нурмурод Шералиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Гафуров Махмуджон Боқиевич
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/В.37/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83.Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил _____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.И.Салихов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Ш.А.Шомуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби к.ф.д.

М.Б.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда биополимерларни тадқиқ қилиш кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиб келмоқда, чунки инерт деб ҳисобланган ушбу бирикмалар кенг қамровли биологик фаолликларга эга. Барча маълум биополимерлар синфларнинг амалий аҳамияти ва фармакологик фаолликлари аниқланганлиги сабабли, ҳозирги кунда экспериментал тадқиқотлар уларнинг тузилишни тадқиқ қилиш, ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш, кимёвий модификациялаш, янги манбаларини излаб топиш, биологик фаолликларини аниқлаш ва уларни амалда қўллаш имкониятларини кенгайтириш каби йўналишларга қаратилган. Биополимерлар кимёсининг бир асрдан кўпроқ давом этган тарихига қарамай, ҳар йили экспериментал ва назарий маълумотлар ҳажми ортиб бормоқда, бу эса табиий бирикмаларга бўлган қизиқишлар тобора ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда табиий манбалардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг структура ва хоссаларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда табиий полимерлар - оксил ва полисахарид табиатли моддалар асосида олинган биологик фаол моддалар синтетик моддаларга нисбатан биомослашувчанлиги ва организмга нојўя таъсирининг камлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли бундай биологик фаол бирикмалар асосида препаратлар яратишда биологик фаол моддаларга бой табиий манбаларни топиш, улардан биологик фаол бирикмаларни ажратиб олишнинг арзон ва тежамкор усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг структура ва биологик фаолликларини тадқиқ қилашнинг замонавий усулларини аниқлаш ҳамда улар асосида янги самарали дори воситаларини яратиш каби йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда маҳаллий хом-ашёлар асосида янги, самарали, импорт ўрнини босувчи доривор препаратлар ишлаб чиқишга ва аҳолини сифатли дори-дармонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Бу борада, маҳаллий ўсимлик ва ҳайвон хом-ашёлари биологик фаол моддаларини тадқиқ қилиш, уларнинг тузилиши ва фаоллигини ўрганиш ҳамда улар асосида янги, самарали дори воситаларини яратиш муҳим аҳамиятга касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-2640-сонли «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимлик ва ҳайвонлардан оксил ва пептидларини ажратиш, уларнинг структур-функционал боғлиқликларини ўрганиш бўйича Lay F.T., Anderson M.A., Stotz H.U., Thomson J.G., Wang Y. каби кўплаб хорижий олимлар томонидан систематик изланишлар олиб борилган. Пептидлар асосида кубизин, фирмагон, фузеон, вантас ва бошқа қатор дори воситалари яратилган.

МДХ давлатларида Егоров Ц.А., Одинцова Т.И., Гришин Е.В., Рогожин Е.А. каби бир қатор олимлар томонидан *Roaceae* оиласи ўсимликларидан тионинлар, дефензинлар, липид ташувчи оксиллар синфига мансуб бирикмаларни ажратиш ва уларнинг таъсир механизмларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Республикада ушбу соҳага Биоорганик кимё институти ва Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари (Салихов Ш.И., Азимова Ш.С., Ощепкова Ю.И. ва б.) катта хисса қўшганлар. Ушбу олимлар томонидан *Ranunculaceae*, *Solanaceae* ва *Fabaceae* оиласига мансуб ўсимликлардан янги оксил ва пептидлар ажратиб олинган ва уларнинг кимёвий тузилиши ҳамда биологик фаолликлари ўрганилган, улар асосида келажақда тиббиётда қўлланилиши учун бир қатор препаратлар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда дунёда хитин ва хитозаннинг биологик фаолликлари ва бой хом-ашё базаси мавжудлиги сабабли ушбу полисахаридларни тадқиқ қилишга бўлган қизиқишлар тобора ортиб бормоқда. Хориж олимлари Aranaz ва унинг ҳамкасблари томонидан ушбу полисахаридларнинг полиэлектrolит хоссалари, юқори адсорбцион хусусиятлари, биопарчланиши ва биокелишувчанлик хоссалари тадқиқ қилинган. Шунингдек, Lim C.K., Mourya V.K., Inamdar N.N., Tiwari A., Zhang томонидан рН қиймати нейтралга яқин бўлган, сувда эрувчан хитозан ҳосилаларини кимё ва биологиянинг турли соҳаларида қўлланилиш имкониятлари ўрганилган. МДХ давлатлари олимлари Плиско Е.А., Быкова В.М., Гамзаде А.И., Сафронова Т.М., Вихорева Г.А. томонидан хитозан асосида озуқа қўшимчалари, биологик фаол ингредиентлар олиш ва хитозан тутган хом-ашёлардан оқилона фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбекистонда тут ипак қурти чиқиндиларидан олинган хитозанни ўрганиш, унинг асосида наноструктуралар олиш ва терапевтик препаратлар яратиш бўйича Полимерлар кимёси ва физикаси институти (Рашидова С.Ш.) ва Тошкент

тиббиёт академияси Биоорганик ва биологик кимё кафедраси (Иноятова Ф.Х.) томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Маҳаллий ва хорижий илмий изланиш натижалари оксил ва пептидлар ҳамда хитозанни келгусида қўллаш мақсадида уларни Ўзбекистон табиий объектларидан ажратиб олиш ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш муҳимлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф6-Т018 «Антибиотик фаолликка эга бўлган ўсимлик пептидларининг структур-функционал тадқиқи» (2012-2016) ва ТА-ФА-А11-005 «*Artemia salina* цистасини комплекс технологиясини ишлаб чиқиш, тиббий ва косметик воситалар яратиш» (2017-2018) мазусидаги фундаментал ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади

Malva Sylvestris уруғи ва яшил қисмидан оксил-пептид компонентлар, *Artemia* цистасидан хитозан ажратиш, уларни физик-кимёвий тавсифлаш, биологик фаолликларини ва тиббиётда қўлланилиш истиқболларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Malva Sylvestris уруғи ва яшил қисмидан оксил-пептид компонентларни ажратиш ва уларнинг физик-кимёвий параметрларини ўрганиш;

ажратилган компонентларини одам ва қишлоқ хўжалиги турли патоген гуруҳларига нисбатан биологик фаоллигини ўрганиш;

Орол денгизи *Artemia* цистасидан хитозан ажратиш ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

Хитозаннинг фармацевтикада қўлланилиш имкониятларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда ўсадиган *Malvaceae* оиласига мансуб тугмачагул *Malva Sylvestris* ўсимлиги ва Орол денгизида яшовчи *Artemia* қисқичбақаси цистасидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети *Malva Sylvestris* уруғи оксил ва пептидларининг, *Artemia* қисқичбақаси цистасидан олинган хитозаннинг физик-кимёвий хоссалари ва биологик фаоллигини тадқиқ қилиш ҳамда улар асосида косметик восита яратиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар жараёнида экстракция усуллари, моддаларни ажратиш ва идентификациялаш (ИК-спектроскопия, колонкали хроматография, юқори самарали суюқлик хроматографияси, хромато-масс-спектрометрия, оксилларнинг протеом таҳлили, электрофорез, LC-MS спектрометрия) ва тажриба ҳайвонларидаги фармако-токсикологик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Malva Sylvestris* уруғидан аспартокиназа ва ABC-транспортёр оксилларига гомолог бўлган, юқори антимиқроб фаоллик намоён қилувчи оксиллар ажратиб олинган;

Malva Sylvestris аспартокиназасининг гомологик кетма-кетлиги консерватив гидрофоб соҳа тутган, аспартокиназа фаоллигига жавоб берувчи домен эканлиги аниқланган;

илк бор оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида иштирок этувчи, фитопатогенларга қарши ва инсектицид фаолликка эга бўлган S-мотив тутган рецепторга ўхшаш киназа ва глутатион-S-трансфераза оксиллари ажратиб олинган;

Орол денгизи *Artemia* цистасидан хитозан олинган ва унинг молекуляр катталиклари ва тузилиши аниқланган;

Artemia цистасидан олинган хитозанни липид-сорбциялаш, гипогликемик, гипоксияга қарши, гиполипидемик хоссалар намоён қилиши ҳамда унинг таъсирида қон томирлардаги атеросклеротик бузилишлар камайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Malva Sylvestris уруғидан ажратилган бир қатор оксил бирикмалар ўсимликларнинг патогенларга қарши ҳимоя механизмларида иштирок этувчи оксиллар эканлиги аниқланган;

фармако-токсикологик усуллар ёрдамида *Artemia* цистасидан олинган хитозан сорбциялаш қобилиятига эга ва экзо- ва эндотоксимия терапияси учун энтеросорбент сифатида фойдаланилиши мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилнинг замонавий физик-кимёвий ва биологик усуллари; тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий анжуманларда, шунингдек рецензияланган илмий нашрларда муҳокама этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Malva Sylvestris* уруғи ва яшил қисми оксил-пептид бирикмаларининг солиштирма таҳлили ўтказилганлиги, заҳира ва ташувчи оксиллар, хитозан ажратиб олинганлиги ва уларнинг асосий фармакологик хоссалари ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Орол денгизи *Artemia* цистасидан олинган хитозан асосида холестерин алмашинувининг бузилишини комплекс даволаш ва унинг профилактикаси учун Грацит энтеросорбенти ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Malva Sylvestris* уруғидан олинган оксил-пептид компонентлари ва Орол денгизи *Artemia* цистасидан хитозан ажратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Malvaceae оиласи ўсимликларидан ажратилган оксил-пептид компонентлари Россия давлат аграр университети илмий тадқиқотида фитопфтороза *Phytophthora* кўзғатувчисига қарши биологик фаолликни солиштиришда фойдаланилган (Россия давлат аграр университетининг 2020 йил 16 майдаги 90-28/59-сон маълумотномаси). Натижада фитопфтороза кўзғатувчиларини идентификациялаш учун тест тизимлар, намуна тайёрлаш баённомаларини ишлаб чиқиш ва ПЦР (одатий ва реал вақтдаги) таҳлили олиб боришни мақбуллаштириш имконини берган;

Орол денгизи *Artemia* цистасидан ажратилган хитозан Евроосиё миллий университети томонидан Қозоғистон шўр кўлларида яшовчи *Artemia* цистасидан олинган хитозанни ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларда фойдаланилган (Л.Н.Гумилев номидаги Евроосиё миллий университетининг (Қозоғистон) 2020 йил 6 мартдаги 03-01-24/6926-сон маълумотномаси). Натижада Марказий Осиё худудлари, Қозоғистон ва Сибир шўр кўлларида яшовчи *Artemia* турларини солиштирма тавсифлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазибалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Биологик фаол бирикмаларнинг табиий синфларидан фойдаланиш истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси батафсил таҳлил қилинган, антимикроб пептидлар, уларнинг синфланиши, тузилиши, таъсир механизмлари, биологик фаолликлари тўғрисида маълумотлар баён этилган. Шунингдек, хитин ва хитозан, уларнинг асосий манбаалари, тузилиши ва улардан тиббиёт, косметология ва ветеринарияда фойдаланиш истиқболларини тадқиқ қилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тугмачагул *Malva Sylvestris* уруғи ва яшил қисмидан оқсил ва пептидларни ажратиш ва физик-кимёвий тавсифлаш»** деб номланган иккинчи бобида *Malva Sylvestris* ўсимлиги уруғи ва яшил қисмидан оқсил-пептид компонентларини ажратиш ва уларни физик-кимёвий тавсифлаш бўйича илмий тадқиқот натижалари баён этилган.

Оқсил-пептид фракциялари сирка кислотада ёрдамида экстракциялаш ҳамда ацетонда чўктириш орқали олинди. Олинган экстрактлар ион-алмашилиш хроматографияси ёрдамида DEAE-целлюлоза ва CM-TSK колонкаларида фракцияларга ажратилди. Ўсимликнинг уруғидан 4 та ва яшил қисмидан 3 та фракция олинди.


Фракциялардаги оқсил миқдори Лоури усули бўйича аниқланди ва 15% ПААГ да гель-электрофорез усули ёрдамида таҳлил қилинди.



1-расм. *Malva Sylvestris* яшил қисми (А) ва уруғи (Б) экстрактларининг CM-TSK колонкасида бўлинишидан олинган фракцияларнинг 15% ПААГ даги электрофоретик таҳлили. (А) 1,2-маркерлар, 3-экстракт; 4-СМ-1 фракция, 5-СМ-2 фракция, 6-СМ-3 фракция. (Б) 1,7-маркерлар, 2-СМ-1 фракция, 3-СМ-2 фракция, 4-экстракт, 5-СМ-3 фракция, 6-СМ-4 фракция

Ўсимлик уруғи ва яшил қисмидан оқсил-пептид компонентларини ажратилиши натижасида олинган фракцияларнинг гель-электрофоретик таҳлил натижалари фракциялар молекуляр массаси 5-20 кДа бўлган компонентлар тутишини кўрсатди.

Фракциялар таркибидаги компонентларнинг структуравий параметрларини ўрганиш учун икки ўлчамли электрофорез амалга оширилди.



2-расм. *Malva Sylvestris* ўсимлиги уруғи экстрактини CM-TSK колонкада ажратилиши натижасида олинган фракцияларнинг (А) ва СМ-3, СМ-4 фракцияларининг изоэлектрофокусировкашдан кейинги олинган оқсилларнинг (Б) 15% ли ПААГ даги электрофоретик таҳлили

Оқсилнинг бирламчи тузилиши масс-спектрометрия усули ёрдамида тадқиқ қилинди. Бунинг учун электрофрез гелидаги тегишли доғлар (2-расм, 2-, 4-қаторлар) кесиб олинди ва оқсилдаги цистеин боғлар дитиотреитол ёрдамида сульфгидрил гуруҳларигача қайтарилди, йодацетамид ёрдамида карбоксиметилланди. Трипсин билан гидролиз қилинди ва олинган пептидлар трифторсирка кислота ёрдамида экстракцияланди. Намунадан олинган пептидлар Agilent Technologies CHIP-LC-MS Q-TOF 6520V масс-спектрометрида таҳлил қилинди. Натижада ҳар бир доғ учун пептид фрагментларининг аминокислота кетма-кетликлари идентификацияланди.

СМ-3 (1) фракцияси учун 15 та фрагментар пептидлар идентификацияланди. Идентификацияланган аминокислота кетма-кетликлари NCBI маълумотлар базасида ўрганилди. Ушбу кетма-кетлик Буғдойдошлар (*Poaceae*) ва Дуккакдошлар (*Fabaceae*) оиласи ўсимликлари аспартакиназа синфи оқсиллари билан қисман гомолог бўлган аспартокиназа суббирлиги эканлиги аниқланди. Аспартокиназа аспарагин кислотасининг фосфорланишини катализловчи фермент ҳисобланади. Бу реакция «аспартат оиласи» сифатида танилган учта алмашинмайдиган аминокислота: метионин, лизин ва треонин биосинтезида биринчи босқич ҳисобланади.

```

-GRVKLKEATEIVE DMEKSFGE CMSTRIFAAYLNKIRI- Malva sylvestris
-GVAMMKELTRRTQDYLVSFGE CMSTRIFAAYLNKLGV- Arachis hypogaea
-GIAMMKELTPRTSDYLVSFGE CMSTRIF SAYLNKIRV- Zea mays
-GIAMMKELTPRTKDYLASFGE CMSTRIFAAYLNKIDV Olea europaea var. sylvestris
  
```

3-расм. *Malva Sylvestris* аспартокиназасининг аспартокиназа гидрофоб соҳасига мос келувчи қисман гомологик аминокислота кетма-кетлиги

Аниқланган гомологик кетма-кетлик гидрофоб соҳа тутган, аспартокиназа фаоллигига жавоб берувчи суббирликни ифодалайди. Гидрофоб соҳа аспартокиназанинг учта консерватив соҳаларидан бири ҳисобланади.

СМ-3 (2) фракцияси учун 18 та фрагментар пептидлар идентификацияланди. Тадқиқотлар Ms-ABC деб номланган ушбу оқсилнинг бирламчи тузилиши ABC-транспортёрлар (ATP-Binding Cassette) супериоиласи вакилларига қисман гомолог эканлигини кўрсатди. ABC-транспортёрлар супериоиласи оқсилларини ABC доменлар деб номланувчи трансмембрана ва АТФ боғловчи умумий доменларнинг мавжудлиги бирлаштиради (4-расм).

```


89-KDRVLTNQLHFLSQVDKIRTVVTGRAKIK-LLRVLNMEGLLFVSKNKIVLSSTSEAEKV
   K RVLVTNQLHFLSQVD+I V G K+ L+ + GLLF K++ A K+
-KTRVLTNQLHFLSQVDRIILVHEGMVKEEGTFEELSSQGLLF---QKLM----ENAGKM

148 RSIIEVR EVDVTRDKVTVYKHKDRVVVVG- 175
   E +VD+ + T K + VV G
   EYEEEKVDI---EATDQKSSSKPVVNG-
  
```

4-расм. Ms-ABC оқсилнинг ABC-транспортёрлар супериоиласи ABC-доменига мос келувчи қисман гомологик аминокислота кетма-кетлиги

Ms-ABC оқили доменининг фазовий тузилиши SWISSMODEL дастури ёрдамида компьютер моделлаштириш орқали тадқиқ қилинди.

Аниқланган оқсил домени ушбу оқсил кетма-кетлигини ҳамда (учламчи) тузилишини сақловчи қисми ҳисобланади. Молекуляр эволюция доменлардан турли функцияларга эга бўлган оқсилларни яратиш учун қурилиш блоки сифатида фойдаланганини адабиётлардан маълум.



5-расм. Ms-ABC оқили доменининг ABC-транспортёрлар супероиласи ABC-доменига мос келувчи учламчи моделини ABC-транспортёрлар билан солиштириш

СМ-3 (3) фракциясидан 7 та фрагментар пептидлар идентификацияланди. Ушбу оқсил NCBI маълумотлар базаси билан солиштирилганда, унинг бирламчи тузилиши *Fabaceae* ва *Brassicaceae* оиласи ўсимликларида аниқланган хужайра ташқи доменидаги S-мотив тутган рецепторга ўхшаш киназага (РПК) гомолог эканлиги аниқланди.

--RLSSSSGQGKEEFMNEIVLISKL	<i>Malva sylvestris</i>
--RLSSSSGQGKEEFMNEIVLISKL	<i>Camelina sativa</i>
--RLSSSSGQGKEEFMNEIVLISKL	<i>Brassica oleracea</i> var. <i>Oleracea</i>
--RLSSSSGQGKEEFMNEIVLISKL	<i>Raphanus sativus</i>
--RLSSSSGQGKEEFMNEIVLISKL	<i>Arabidopsis thaliana</i>

6-расм. *Malva Sylvestris* S-мотив тутган рецепторга ўхшаш киназасининг S-мотив тутган рецепторга ўхшаш киназалар гидрофоб соҳасига мос келувчи қисман гомологик аминокислота кетма-кетлиги

Хужайрада юқори концентрацияда мавжуд бўладиган S-мотивли РПК хужайрада патоген ва ўтхўр ҳашаротларга қарши химоя реакцияларида иштирок этади, шунингдек, микроорганизмлар билан симбиоз таъсир кўрсатиши исботланган.

СМ-4 фракциясидан 14 та фрагментар пептидлар идентификацияланди.


Натижалар NCBI маълумотлар базасида солиштирилганда, ушбу оқсилнинг бирламчи тузилиши *Brassicaceae* оиласи ўсимликларида аниқланган глутатион-S-трансферазалар билан гомологик эканлиги кўрилди.

SKLFEPADKIWQTKGRLTSEQKNDLKRKNYEQKLQEKVKELSETLRKSEAYDIQELA	<i>Malva sylvestris</i>
TKLFEPADKIWQTKG-----EEQETAKKEYIEALKILETELGDKPYFGGDTFGFVDIA	<i>Arabidopsis thaliana</i>
TKLFEPADKLIWQTKG-----EEQETAKKDYIEALKILESELGDKPYFGGDTFGFVDIA	<i>Camelina sativa</i>

7-расм. Глутатион-S-трансферазаларнинг қисман гомологик аминокислота кетма-кетлиги

Глутатион-S-трансфераза ЛПО гидрофоб маҳсулотларини зарарсизлантирган ҳолда уларни қайтариш, қайтарилган глутатион молекуласининг бирикиши ёки гидрофоб гуруҳларнинг нуклеофил алмашилиши йўли орқали антиоксидантлик вазифасини бажаради.

Malva Sylvestris глутатион-S-трансферазасининг фазовий тузилиши SWISSMODEL дастури компьютер моделлаштириш ёрдамида тадқиқ қилинди.



8-расм. Ўсимлик глутатион-S-трансферазаси (А) ва *Malva Sylvestris* глутатион-S-трансферазаси (Б) нинг учламчи тузилиши

Ушбу оксилнинг тузилиши спиралсимон оксил тузилиши билан ифодаланган, унда α -спираллар буралган ҳолатда ўзаро бир-бирини ўраб туради ва ўсимлик глутатион-S-трансферазаларига ўхшаш тузилишга эга.

Malva Sylvestris яшил қисми компонентларини солиштирма структур тадқиқотларини ўтказиш учун фракциялар ЮССХ си ёрдамида ацетонитрил концентрацияси градиентида фракцияларга ажратилди.

MALDI TOF масс-спектрометрия усулида индивидуал пептидларнинг молекуляр массалари аниқланди. Ушбу пептидларни тавсифлаш учун молекуладаги цистеин қолдиқлари сони аниқланди.

Масс-спектрометрик таҳлил маълумотларига кўра, тугмачагул *Malva Sylvestris* яшил қисми молекуляр массаси 9691 Да бўлган, таркибида 8 та цистеин қолдиғи тутган, липид ташувчи оксиллар синфига мансуб пептид ва 3645-6000 Да молекуляр массага эга бўлган, таркибида 6, 8 цистеин қолдиқлари тутган, тионинлар ва дефензинларга мансуб бўлган қатор пептидлар мавжудлиги аниқланди (1-жадвал).

***Malva Sylvestris* яшил қисми индивидуал компонентларининг молекуляр массалари**

Фракция №	1-4	1-6	1-8	1-11	2-2	3-1	3-4	3-6
Молекуляр масса, Да	5856	4297 4568 5116	4210 5529	9691	3645	5856	4984	3888
Цистеин сони	8	8	8	8	6	8	8	6

Ўсимлик уруғи ва яшил қисми экстрактларининг бўлинишидан кейинги олинган натижалар улардаги оксил-пептид компонентлар таркиби жиддий фарқ қилишини кўрсатди. Ушбу фарқ уруғ таркибидаги оксилларнинг тузилиши уларнинг ўсаётган уруғ функциялари билан боғлиқлиги билан тушунтирилади.

Ион-алмашилиш хроматографияси ёрдамида олинган СМ-1-СМ-4 фракцияларнинг ўсимлик фитопатогенларига ва илдизни чиритувчи микроорганизмларга (гоммоз) сезгирлиги ўрганилди (тадқиқотлар «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» ИТИ да бажарилган).

***Malva Sylvestris* уруғи ва яшил қисмидан олинган фракцияларнинг биологик фаоллиги**

№	Фракциялар	IC ₅₀ мкг/мл* <i>Fusarium oxysporum</i>	IC ₅₀ мкг/мл <i>Verticillium dahliae</i>	IC ₅₀ мкг/мл <i>Xanthomonas malvacearum</i>
Яшил қисм	СМ-1	0	60,9±0,2	156,3±0,30
	СМ-2	29,1±0,02	23,6±0,15	112,0±0,23
	СМ-3	31,9±0,04	54,3±0,12	98,0±0,02
Уруғ	СМ-1	21,2±0,1	23,9±0,02	30,0±0,06
	СМ-2	15,3±0,06	34,3±0,01	31,2±0,15
	СМ-3	14,6±0,01	16,6±0,07	28,0±0,04
	СМ-4	24,4±0,02	54,1±0,23	135±0,5

*IC₅₀ - замбуруғ ўсишини 50% га пасайтирадиган оксилнинг мкг даги концентрацияси.

Олиб борилган тадқиқотлар, фракциялар *Verticillium dahliae* ва *Fusarium oxysporum* замбуруғлари ўсишини камайтиришини ва гоммозга сезгирлик намоен қилишини кўрсатди. Ўсимликнинг яшил қисми ва уруғи СМ-2 ва СМ-3 фракциялари оксилларнинг тузилиши натижаларига боғлиқ ҳолда энг юқори фаоллик намоен қилди (2-жадвал).

Ўсимлик уруғи оксил компонентларининг инсектотоксиклиги *Agrotis segetum* (*Den*) капалак қурти эпидермиси остига стерилланган апироген сувни Hamilton типдаги шприц ёрдамида (1 та қуртга 1 мкл гача) микроинъекция

йўли билан юбориш орқали аниқланди. Қуртларнинг ўлим ҳолати 5 кун давомида кузатиб борилди.

Олиб борилган тадқиқотлар ўрганилаётган фракциялар текширилаётган хашаротларга қарши юқори даражада токсиклик намоён қилишини кўрсатди. Энг юқори фаоллик СМ-4 фракцияда 89% қуртларнинг ўлими билан кузатилди.

Структур-функционал ўзаро боғлиқликларни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида СМ-3 ва СМ-4 фракциялардаги оксил-пептидлар ўсимлик уруғларига таъсир қилган ҳолда уларнинг ўз метаболитлари ва табиий кушандаларини жалб қилувчи учувчан бирикмалари ёрдамида, инфекция ва зараркунандаларга қарши курашувчанлигини яхшиланишига олиб келадиган, генетик чидамлилиқ потециалини тўлиқ намоён қилишига имкон берувчи пептид элиситорларига, яъни, глутатион-S-трансферазалар ва рецепторларга ўхшаш киназалар синфига кириши аниқланди.

Ажратилган оксил-пептид фракцияларининг одам организми патоген бактерияларига қарши антимикроб фаоллиги ўрганилди (тадқиқотлар Тошкент Тиббиёт Академияси, микробиология кафедрасида бажарилган).

Назорат сифатида кенг таъсир доирасига эга бўлган грамицидин антибиотигидан фойдаланилди (концентрация 10 мкг/мл).

3-жадвал


***Malva Sylvestris* уруғидан ажратилган оксил-пептидли фракцияларнинг одам патоген бактерияларига қарши антимикроб фаоллиги**

№	Микроб гуруҳлари	Ўсишнинг секинлашиш зонаси, мм				
		Грамицидин	СМ-1	СМ-2	СМ-3	СМ-4
	Концентрация	10мкг/мл	10мкг/мл	10мкг/мл	10мкг/мл	10мкг/мл
1	<i>Staphylococcus aureus</i>	18,0±0,1	8,0±0,1	9,0±0,1	17±0,1	11,0±0,2
2	<i>Staphylococcus epidermidis</i>	19,0±0,1	9,0±0,1	8,0±0,1	18,0±0,1	11,0±0,1
3	<i>Staphylococcus saprophyticus</i>	19,01±0,1	9,01±0,1	9,0±0,1	9,0±0,1	11,0±0,1
4	<i>Streptococcus Pyogenes</i>	21,0±0,2	11,0±0,2	9,0±0,1	16,0±0,2	11,0±0,3
5	<i>Enterococcus faecales</i>	19,0±0,1	9,0±0,1	9,0±0,1	16,0±0,2	11,0±0,4
6	<i>Escherichia Coli ЛП</i>	17,0±0,1	0	11,0±0,2	13±0,2	11,0±0,1
7	<i>Escherichia Coli ЛН</i>	19,0±0,1	9,0±0,1	7,0±0,01	0	13±0,2
8	<i>Proteus vulgaris</i>	16,0±0,1	9,0±0,1	0	0	12±0,1
9	<i>Klebsiella</i>	18,0±0,2	11,0±0,2	9,0±0,1	11±0,1	13±0,2
10	<i>Pseudomonas aerogenosa</i>	19,0±0,1	9,0±0,1	9,0±0,1	11±0,1	9,0±0,1

Фракцияларнинг турли патогенларга нисбатан антимикроб фаоллиги ўрганилганда, уруғдан олинган СМ-3 фракция *S. aureus* ва *S. epidermidis* штамmlарига нисбатан грамицидинга солиштирилганда юқори антимикроб фаоллик намоён қилди (ўсишнинг секинлашиш зонаси 18 мм). Олинган натижалар ушбу фракциянинг тадқиқи тиббиёт ва косметологияда бактерияларга қарши препаратлар яратиш учун истикболли эканини кўрсатди.

Диссертациянинг «Хитозаннинг олиниши ва унинг биологик фаоллиги» деб номланган учинчи бобида *Artemia* цистасидан хитозанни олиниши, унинг физик-кимёвий характеристикалари ва биологик фаолликлари келтирилган.

Майдаланган *Artemia* цистасидан хитин ажратиб олинди ва уни деацетиллаш йўли билан хитозан олинди. Олинган хитозаннинг назорат хитозан намунаси (хитозан Sigma-Aldrich) билан солиштириш учун ИҚ- ва ^{13}C ЯМР спектроскопия (9-расм) усуллари ёрдамида тадқиқотлар олиб борилди.



9-расм. *Artemia* цистасидан ажратиб олинган хитозан (А) ва назорат хитозан (Б) (Sigma-Aldrich) намуналарининг ИҚ- ва ^{13}C ЯМР спектрлари

Олинган ИҚ-спектрлардаги боғларнинг ютилиш соҳалари асосида молекуладаги атомларнинг гуруҳланиши ва шу билан бирга молекуланинг тузилиши аниқланди.

Хитозан намуналарининг ИҚ-спектрларида 3200-3600 см⁻¹ соҳаларда О–Н/Н–Н боғларининг симметрик ва ассиметрик тебранишларига хос ютилишлар аниқланди. Н–С–Н боғларининг симметрик тебранишларига мос келувчи сигналлар 2850-2950 см⁻¹ да кузатилди. С=О (амид I, -NH-CO-CH₃) ва N–Н (амид II, III) боғларига тегишли бўлган сигналлар 1300-1620 см⁻¹ да аниқланди. Бундан ташқари, С–Н (C-NH-CO-CH₃), скелетал ва β-гликозид С–О–С боғларининг тебранишлари ҳамда Н–С–Н боғларининг ассиметрик тебранишларига хос сигналлар 560-1060 см⁻¹ да кузатилди.

Хитозан намуналарининг ^{13}C ЯМР спектрларида макромолекуланинг С2, С6, С3, С5, С4 ва С1 атомлари учун мос келувчи ЯМР сигналлари 56,58, 60,61, 71,40, 75,45, 77,22 ва 99,10 м.у. соҳаларда аниқланди. Назоратдаги хитозан намунасида ушбу сигналларга қўшимча равишда О N-ацетил гуруҳларидаги (-NH-CO-CH₃) CH₃ ва С=О углерод атомлари учун характерли сигнал мос равишда 20,83 ва 174,46 м.у. соҳада кузатилди. Бироқ, бу сигналлар *Artemia* цистасидан олинган хитозан намунасининг спектрларида кўринмади, бу эса ушбу намунанинг деацетилланиш даражаси юқори эканлигини кўрсатади. Спектрда 21,02 (CD₃, CD₃COOD), 30,89 (CD₃, CD₃COCD₃), 179,01 (C=O, CD₃COOD) ва 216,18 м.у. (C=O, CD₃COCD₃) соҳаларда аниқланган сигналлар

дейтерийланган назорат эритувчилар ацетон ва сирка кислота учун хос хисобланади.

Кейинги тадқиқотларда олинган хитозан намунасини назорат хитозанга солиштирган ҳолда, унинг физик-кимёвий характеристикаларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

4-жадвал

Хитозан намуналарининг физик-кимёвий характеристикалари

Физик-кимёвий характеристикалар	Рухсат этилган интервал	<i>Artemia</i> цистаси хитозани	Қисқичбақа хитозани
Деацетилланиш даражаси, %	≥75	82,0 ± 0,05	70,0 ± 0,20
2% ли сирка кислотадаги қовушқоклиги, Дл/г	4-30	5,9	12,0
Солиштирма юзаси, м ² /г	1-200	31,5 ± 0,44	7,88 ± 0,23
Минерал қолдиқ (кул таркиби), %	≤0,5	0,27 ± 0,058	0,36 ± 0,063
Оқсил қолдиқ, %	≤0,1	0,08 ± 0,018	0,49 ± 0,038
Ўртача молекуляр масса	1,0·10 ⁵ -1,4·10 ⁶	1,62·10 ⁵	1,29·10 ⁶
pH	6,8-7,3	7,2 ± 0,12	7,3 ± 0,25

Цистадан ажратилган хитозан қисқичбақасимонлар хитозанига хос физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган ҳолда 2% ли сирка кислотада қовушқок эритмалар ҳосил қилиши (мос равишда 5,9 ва 12,0 Дл/г), метилен кўкига нисбатан юқори сорбциялаш хусусиятини (31,5±0,44 м²/г) намоён қилиши аниқланди. Ушбу натижалар Орол денгизи *Artemia* цистасидан ажратилган хитозандан гель ва иммобилизацияланган дори шаклидаги етказиб берувчи матрицалар олишда истиқболли қўшимча модда сифатида фойдаланиш имконини беради.

Орол денгизи *Artemia* цистасидан ажратиб олинган хитозаннинг сорбциялаш хусусиятларини тасдиқлаш мақсадида олма пектини - Пектолакт ва натрий альгинати каби озуқа толалари билан солиштирилди (*in vitro*). Бунда ошқозон ва ичакда овқат ҳазм қилишнинг сунъий шароитини яратиш усулидан фойдаланилди (тадқиқотлар Л.Н. Гумилев номидаги ЕМУда бажарилган).

5-жадвал

Табиий сорбентларнинг сорбциялаш хусусиятларини солиштирма ўрганиш

Кўрсаткич	N	Триглицеридлар (г/г)		Ёғ кислоталар (г/г)	
		М±m	Чегаралар	М±m	Чегаралар
Пектолакт (пектин асосидаги симбиотик)	5	4,61±0,09	4,49-4,69	3,22±0,04	3,17-3,27
Кальций альгинати	5	4,16±0,05	4,10-4,21	3,17±0,03	3,13-3,21
<i>Artemia</i> цистаси хитозани	5	4,43±0,59	3,35-4,75	3,21±0,06	3,15-3,29

Натижалардан олинган хитозаннинг сорбциялаш имконияти кальций альгинати имкониятидан устунлиги ва Пектолактдан деярли қолишмаслиги кузатилди. Ўтказилган тажрибаларда хитозан липид-боғловчи хоссага эга эканлиги аниқланди, унинг таъсири ичакдаги ёғ кислоталари ва триглицеридларни боғлаши билан боғлиқ. Ўрганилаётган озуқа толаси юқорида баён этилган липид компонентларини сорбциялаган ҳолда боғлайди ва уларнинг сўрилишини камайтиради. Шундай қилиб, хитозан ва Пектолакт

кондаги умумий холестерин ва ЖҚЗЛП миқдорини камайтиради, яъни дислипидемия, гиперлипидемия ва атеросклероз ривожланишига тўсқинлик қилади.

Хитозаннинг ўткир захарлилигини ўрганиш натижалари ушбу препарат V синф захарли бўлмаган бирикмалар каторига киришини, сичқонларда ошқозон ичига юборилганда унинг захарлилиги $LD_{50} \geq 10000$ мг/кг эканлигини кўрсатди.

Хитозанни атеросклероз ривожланишини олдини олувчи дри воситаси сифатида фойдаланиш мумкинлигини тахмин қилган ҳолда, ушбу касаллик билан бирга кечадиган гипогликемик ва антигипоксик фаолликларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Хитозаннинг гипогликемик фаоллигини ўрганиш алиментар гипергликемия моделида олиб борилди. Хитозаннинг гипогликемик фаоллиги «Табиий инулин концентрати» (БФҚ) билан таққослаган ҳолда аниқланди. Хитозаннинг гипогликемик фаоллигини 10 ва 20 мг/кг дозада алиментар гипергликемия моделида ўрганиш натижалари препарат тажриба намунаси таъсирида қондаги шакар миқдорини камайиши аниқланди. Хитозаннинг энг юқори гипергликемик самараси 10 мг/кг дозада, 2 соатдан кейин 58,5% ни ташкил қилди. Тадқиқотлар хитозан иккала дозада ҳам «Табиий инулин концентрати» (гипергликемик самара 2 соатдан кейин 37,3%) ўсимлик БФҚси таъсиридан устун келишини кўрсатди.

Хитозаннинг антигипоксик таъсири гемик гипоксия моделида ўрганилди. Гемик гипоксияни $NaNO_2$ ни 400 мг/кг дозада (хайвонларнинг 100% ўлимига олиб келадиган) тери остига юбориш йўли билан чақирилди. Тажриба хайвонларининг яшаш давомийлиги 50 ва 100 мг/кг дозада мос равишда $9,5 \pm 1,0$ ва $11,0 \pm 1,2$ минутни, антигипоксик самара эса 12,6 ва 24,5% ни ташкил этди. Хитозаннинг 50 ва 100 мг/кг дозасида назорат гуруҳи хайвонларига нисбатан ҳаёт давомийлигига мойиллиги кузатилди. Сичқонларга витамин B_{12} ни 0,09 мг/кг дозада юборилганда ҳаёт давомийлиги $13,0 \pm 1,5$ минутгача ортди, антигипоксик самара эса 36,2% ни ташкил этди (тадқиқотлар Биоорганик кимё институти Фармакология лабораторияси к.и.х. Г. Раҳмонова томонидан бажарилган).

Қонда холестерин ва липидлар концентрациясининг ортиши атеросклероз ривожланишининг хавфли омилларидан ҳисобланади. Диетологлар томонидан қондаги холестеринни камайтириш учун тавсия этилган самарали усуллардан бири овқатланиш рационини крахмал бўлмаган полисахаридларни ўз ичига олган озуқа толаси билан бойитиш ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотларда экспериментал гиперлипидемия шароитида хитозаннинг қон ва жигардаги липидлар миқдорини камайтириш имконияти ўрганилди. Цистадан олинган хитозанни гиполлипидемик хоссаларини парентераль (твин) хайвон моделларида тадқиқ қилиш натижасида унинг организмда липидлар мувозанатини нормаллаштириш эффекти борлиги кузатилди. Хитозаннинг липидлар мувозанатини нормаллаштириш эффекти қондаги липидлар атероген кўрсаткичлари (умумий холестерин, триглицеридлар, ҚЗЛП) нинг камайиши ва антиатероген кўрсаткичлар (ЮЗЛП) билан баҳоланди. Солиштириш учун Аторвастатин ва Фенофибрат препаратлари олинди.

Олинган натижаларга (6-жадвал) кўра, назорат гуруҳи атерогенлик коэффициенти ($AK=1,7\pm 0,03$) соғлом хайвонлар (интакт гуруҳ) ($AK=0,71\pm 0,02$) га нисбатан сезиларли даражада ортди ($p<0,001$). Жадвалга мувофиқ, хитозандан фойдаланиш қон зардобдаги атероген кўрсаткичларни, жумладан, УХС, ТГ ва ҚЗЛП ни камайтиради, ХС, ЮЗЛП миқдорига яхши таъсир кўрсатади. Гиперлипидемиянинг твин моделида хитозан намунаси таъсирида каламушларда назоратга нисбатан ($p<0,001$) УХС концентрацияси 19,6% га, ТГ 14,5% га ҳамда ХС ҚЗЛП миқдори 14,2% га камайиши аниқланди. Хитозан назорат препаратлари аторвастатин ва фенофибратга нисбатан УХС миқдорини 19,6% га камайтирди ($p<0,01$).

6-жадвал

Қондаги липид спектридаги кўрсаткичлар

Гиперлипидемия модели						
N	Гуруҳ	Липид профили кўрсаткичлари				
		УХС (мг/дл) M±s	ТГ (мг/дл) M±s	ЮЗЛП (мг/дл) M±s	ҚЗЛП (мг/дл) M±s	АК M±s
5	Интакт(1)	74,1 ± 0,3*	49,0±0,6*	43,3±0,5*	28,4±0,4	0,71±0,02*
5	Назорат (2)	98,4±0,5	57,1±0,4	36,4±0,5	49,3±0,5	1,70±0,03
5	Аторвастатин (3)	82,4±0,6*	44,2±1,4*	39,4±0,4*	43,7±0,5	1,09±0,02*
6	Фенофибрат(4)	83,4±0,4*	47,7±0,2*	41,4±0,3*	42,3±0,3	1,01±0,02*
6	Artemia цистаси хитозани	79,1±0,4 - 19,6%	48,8±0,4 - 14,5%	39,3±0,5 + 8,0%	42,3±0,5 - 14,2%	1,01±0,03 -40,6%

Эндотелиал дисфункция тажриба моделларида гиперлипидемияни ўрганиш асосида хитозан таъсирида каламуш томирларидаги морфологик ўзгаришлар ўрганилди (тадқиқотлар Л.Н. Гумилев номидаги ЕМУда бажарилган). Ушбу усул экспериментал гиперлипидемия усули билан таққослаганда, мустаҳкам қон томир деворларида структуравий бузилишларини ҳосил қилиш имконини беради. Тадқиқотлар давомида магнит-резонанс томографияси (МРТ) ёрдамида экспериментал хайвонларда қон томирларнинг тозалик ҳолати баҳоланди. Артерия деворидаги локал атероген ўзгаришларни кўрсатувчи нотекис артериал контрастланиш 10-расмда кўрсатилган, бунда гиперлипидемия (тажриба гуруҳ) ва хитозан қўллангандан кейинги гиперлипидемиянинг комплекс моделида (назорат гуруҳ) ёғ босган томирлар инфильтрацияси тасвирланган.



10-расм. Каламуш томирларининг компьютер магнит резонанс томографияси

Олиб борилган тадқиқотларда олинган хитозанни тиббиёт амалиётида профилактика ва соғломлаштириш учун энтеросорбент препарати сифатида тавсия қилиниши мумкинлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Оқсил ва полисахарид табиатли табиий бирикмаларнинг тадқиқот усуллари, материаллари, биологик фаоллиги ва фармакотоксикологияси**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотларда фойдаланилган реактив ва қурилмалар, ажратиш усуллари, тузилиш ва биологик хоссаларни, фармако-токсикологик хусусиятларни тадқиқ қилиш усуллари баён этилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор *Malva Sylvestris* уруғидан *Poaceae* ва *Fabaceae* оиласи ўсимликлари аспартокиназалари ва ABC-транспортёрлар оқсилларига гомологик бўлган, юқори антимиқроб фаоллик намоён қилувчи ташувчи-оқсиллар ажратиб олинди. *Malva Sylvestris* аспартокиназасининг гомологик кетма-кетлиги консерватив гидрофоб соҳа тутган, аспартокиназа фаоллигига жавоб берувчи домен эканлиги аниқланди. Ms-ABC оқсили ABC-доменининг гомологияси NCBI маълумотлар базаси ва SWISSMODEL бўйича аниқланди.

2. Илк бор оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида иштирок этувчи, фитопатогенларга қарши ва инсектицид фаолликка эга бўлган S-мотив тутган рецепторга ўхшаш киназа ва глутатион-S-трансфераза оқсиллари ажратиб олинди.

3. Орол денгизи *Artemia* цистасидан хитин ажратилди ва уни деацетиллаш орқали хитозан олинди. Олинган хитозаннинг молекуляр катталиклари ва тузилиши аниқланди. Олиб борилган тадқиқотларда унинг тузилиши ва асосий катталиклари сотувдаги хитозанга ўхшаш эканлиги аниқланди, *Artemia* цистаси хитозан олиш учун хом-ашё манбаси бўлиши мумкинлиги исботланди.

4. Хитозанни *in vitro* ва *in vivo* шароитларда биологик фаоллигини ўрганиш натижалари унинг сорбциялаш, гипогликемик, гипоксияга қарши ва гипополидемик хоссалар намоён қилишини кўрсатди. Эндотелиал дисфункция гиперлидемик моделида хитозан таъсирида тажриба хайвонларида қон томирлардаги атеросклеротик бузилишлар камайиши аниқланди.

5. *Artemia* цистасидан олинган хитозан асосида холестерин алмашинуви бузилишини комплекс даволаш ва уни олдини олиш учун фойдаланиш мумкин бўлган «Грацит» энтеросорбентининг тажриба намунаси олинди. Шунингдек, *Artemia* хитозанини гель кўринишида тиббиёт ва косметологияда қўллаш имкониятлари тадқиқ қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ОРИПОВА МУНОЖАТ ЖАЛОЛДИНОВНА

**ВЫДЕЛЕНИЕ, БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ
АНТИМИКРОБНЫХ ПЕПТИДОВ ИЗ СЕМЯН *MALVA SYLVESTRIS*,
ХИТОЗАНА ИЗ ЦИСТ *ARTEMIA* И СОЗДАНИЕ КОСМЕТИЧЕСКОЙ
КОМПОЗИЦИИ НА ИХ ОСНОВЕ**

02.00.10 - Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.3.PhD/K245.

Диссертация выполнена в Институте биорганической химии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biochem.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Ощепкова Юлия Игоревна**
доктор химических наук

Официальные оппоненты: **Рамазанов Нурмурод Шералиевич**
доктор химических наук, профессор

Гафуров Махмуджон Бакиевич
доктор химических наук

Ведущая организация: **Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/B.37/01 при Институте биорганической химии (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биорганической химии (зарегистрировано под № ___). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha2@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № «___» от _____ 2020 г).

Ш.И.Салихов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

Ш.А.Шомуротов

Ученого секретаря Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н.

М.Б.Гафуров

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире, в последние годы, изучение биополимеров привлекает внимание многих исследователей в связи с тем, что ранее считавшиеся инертными, они оказались веществами с широким спектром биологической активности. Наличие практической значимости и фармакологической активности выявлено для всех известных классов биополимеров, поэтому экспериментальные работы в настоящее время ориентированы в таких направлениях, как исследование структуры, разработка технологий производства, химическая модификация, поиск новых источников, определение биологической активности и расширение спектра их практического применения. Несмотря на более чем вековую историю химии биополимеров, объем экспериментальной и теоретической информации продолжает увеличиваться с каждым годом, что свидетельствует о неугасающем интересе к природным соединениям.

В настоящее время в мире особое внимание уделяется выделению биологически активных веществ из природных источников, изучению их структуры и свойств. Особое значение имеют биодоступность биологически активных веществ, полученных на основе природных полимеров - белков и полисахаридов, а также их низкий побочный эффект на организм. В связи с этим проводятся исследования по разработке лекарственных препаратов на основе таких биологически активных соединений, по поиску природных источников, богатых биологически активными веществами, разработке недорогих и экономически эффективных методов выделения биологически активных соединений из них, выявлению современных методов изучения их структуры и биологической активности.

В нашей стране особое внимание уделяется разработке новых эффективных, импортозамещающих лекарственных препаратов на основе местного сырья и обеспечению населения качественными лекарствами. В 4-направлении Стратегии развития Республики Узбекистан изложены задачи по «реализации мер по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений недорогими, высококачественными лекарственными средствами и медицинскими изделиями, недопущению необоснованного роста цен на лекарства»¹. В связи с этим важное значение имеют исследования биологически активных веществ из местного растительного и животного сырья, изучения их структура и активности, создание на их основе новых, эффективных лекарственных препаратов.

Настоящее диссертационное исследование в определённой степени соответствует решению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 7 ноября 2017 года,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан 2017-2021гг.»

УП-№5229 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью», в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы.

